2003 YIL 30 SENTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 123 (6.648). Sotuvda erkin narxda

# ЭЗГУЛИК БУНЁДКОРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтарам устозлар!

Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу кутлуғ айёмда сиз азизларни - бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами - Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз - ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму ҳунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.

Бугунги қутлуғ байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб оладиган, уларга қунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Барча-барчамиз - бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, ҳурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлодни вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улуғвор вазифани адо этишда сизларни ўзимнинг маслакдош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таранnum этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан -билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажагини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

***ТОШКЕНТ /ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА/. Юртимизда ҳар йили 1 октябр - Ўқитувчи ва мураббийлар куни зўр шодиёна билан нишонланади. Боиси - эл-юртимиз устозлар тимсолида ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки улар қалбига она Ватан меҳрини, юксак инсоний фазилатларни сингдирадиган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.***

Ана шу қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш 29 сентябр куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Бу ерга узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи устозлар, илғор ўқитувчилар, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Дарҳақиқат, бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ўз истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизлар тимсолида, энг аввало, ўқитувчиларнинг эзгу меҳнати самарасини кўрамиз. «Ўзбек модели» сифатида бутун жаҳон эътироф этаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилиш, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш борасида улар олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор.

Бу жиҳатлар, айниқса, ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда. Шу боис ана шу шарафли касб эгалари байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан бир гуруҳ илғор педагоглар Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур билан якунланди.

**(Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган мақолалар билан газетамизнинг 4- саҳифасида танишасиз).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида фидойилик намунасини кўрсатганлиги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

**Арабова Карима** - Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 32-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ахмедов Рустам** - Навоий вилояти Нурота туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси

**Болиев Асракул Болиевич** - Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 27-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Вахабова Огул** - Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Исаев Жаббар** - Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 25-мактабнинг директори

**Мўминов Каримжон** - Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 29-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Отамирзаев Юсуфжон** - Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Рахимов Мамажон Исаевич** - Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 43-мактабнинг физика-математика ўқитувчиси

**Садуллаев Рахмон** - Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

**Сеитниязов Нарбай** - Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 8-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Тоиров Ҳаким** - Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Яъқубов Қосим Мансурович**- Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ўмирзақов Жумабек** - Жиззах вилояти Фориш туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Ғойибов Жўра Ёмғирович** - Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**

**Абдуллаева Дильдар Мавляновна** - Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**Аликулов Саттар** - Қашқадарё вилояти Қамаши тумани халқ таълими бўлими методика кабинетининг методисти

**Арифходжаев Сайдалим Аскарходжаевич** - Республика таълим маркази табиий фанлар бўлими бош методисти

**Ваисов Харыбжан Ниетуллаевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси

**Ем Ольга** - Андижон вилояти Асака шаҳридаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Закиров Исламбай Исакович**- Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи

**Ибрагимов Келдияр** - Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти бўлим бошлиғи

**Ишбекова Винера Дустмухамедовна** - Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб директори

**Казаков Эгамберган** - Хоразм вилояти Урганч тумани халқ таълими бўлими мудири

**Ким Владимир** - Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 28-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Кравченко Людмила Владимировна** - Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 3-гимназия мактаб директорининг ўринбосари

**Пиримкулов Хушбок**- Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани халқ таълими бўлими методисти

**Таирова Муяссар Рамазановна** - Бухоро шаҳридаги 32-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хакимов Турсунбой** - Наманган вилояти Учқўрғон тумани халқ таълими бўлими методисти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Аминов Хасан Рашидович** - Республика рассомлик коллежининг тасвирий санъат ўқитувчиси

**Атаев Бахтияр Пулатович** - Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежининг мусиқа ўқитувчиси

**Бадалов Луқмон Субҳонович** - Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 43-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Бойдедаев Ташпулат** - Наманган вилояти Уйчи туманидаги 38-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Кутлымуратов Джумабай** - Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 17-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мамбетов Абдуразак** - Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Назаров Гайрат Назарович** - Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 39-мактаб директори

**Обидова Гулнора** - Хоразм вилояти Хива туманидаги 97-махсус мактаб-интернат директорининг ўринбосари

**Пардаев Мирза** - Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 31-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Полванова Раъно** - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 201-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Расулов Абдижалол Абдукаримович** - Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 2-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Хайдаров Тураб Бегматович** - Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Худоёрова Хожибегим** - Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 37-лицей-интернатнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Юсупжанов Талибжан** - Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 13-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

**Ганиева Ирина Викторовна** - Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Ёкубжанов Рахманали** - Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 26-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Мажидов Рустамали Ахмадалиевич** - Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги спорт мактабининг мураббийси

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фидокорона меҳнатлари билан кенг жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

**Абдуназарова Дильшат** - Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-мактабнинг директори

**Дуйсебаев Нурхан Нуртаевич** - Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ибадуллаев Анвар** - Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 22-мактабнинг директори

**Кенжаев Саттор Хамроевич** - Навоий вилояти Кармана тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари

**Латыпов Тафкиль** - Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 28-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Мелиев Тожибой** - Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Раупов Ибрагим** - Самарқанд вилояти ҳокими ҳузуридаги таълим соҳаси вакиллари Кенгашининг гуруҳ раҳбари

**Рахмонов Ғози Махмудович** - Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 54-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Сабиров Козыбай** - Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Сайфутдинов Одил** - Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлими «Нуроний-устоз» уюшмаси раиси

**Ташбабаев Шакархон** - Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Тўраев Усмон Умарович** - Бухоро вилояти Олот туманидаги 33-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Хамидова Санобархон** - Наманган вилояти Норин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Хожиматова Мамлакатхон** - Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 27-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**(Давоми 2-бетда)**

# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ АНЖУМАНИ

ДАВР

***29 сентябр куни пойтахтимиздаги Халқаро-бизнес марказда Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Инвестицион конференцияси бошланди.***

ИТБнинг шу ой бошида ўтган навбатдаги йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган эди.

Ислом тараққиёт банки - халқаро тараққиётни қўллаб-қувватловчи молиявий муассаса бўлиб, 1973 йил 18 декабрда Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирларининг йиғилишида таъсис этилган. ИТБнинг асосий мақсади мусулмон олами мамлакатларидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашишдир. Ташкилот қароргоҳи Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган.

Тошкентда очилган икки кунлик сармоявий анжуманда юзга яқин мамлакатдан ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али сўзга чиқиб, Ўзбекистон анжуманга юксак савияда тайёргарлик кўрганини таъкидлади. Меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга ҳамда ўзбек халқига миннатдорлик билдирди. ИТБ раҳбарияти мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган барча ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келаётганини маълум қилди.

**(Давоми 3-бетда)**

СУВ – БУ ҲАЁТ

# СЕКИН-СЕКИН... ҚАЕРГА БОРАМИЗ?

***Инсон овқат емай маълум кун яшаши тайин, аммо сувсиз яшолмайди. Сув билан тирик жамики жонзот.***

Кириск Ўрхун бобонинг сўзларини тингларкан, илк бор дунёнинг ишларига ҳайрат-ла боқди: уларнинг қайиғи денгизда, сув ичида чайқалиб турар, қайиқдагилар бочкада тобора охирлаб бораётган, бадбўй ҳид таратса-да, ичишга ятик бўлган чучук сувнинг ҳар бир култумига кўз тикишганди. Болакай қақраб ётган лабларини ялаб кўяркан, "Қани эди ҳеч бўлмаса, бир марта тўйиб сув ичсам" дерди.

Англаган бўлсангиз керак, ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" қиссасидаги воқеалар тизими мана шу тарзда мураккаблашиб боради.

**(Давоми 2-бетда)**

# “ПАХТА БАНК” – ФЕРМЕР ҲАМКОРИ

ИЗЛАНИШ

## ЮРАГИНГ УРИБ ТУРСИН

***Бугун қайси идора қандай ишлаётганини билиш унчалик қийин эмас. Айниқса, банкни. Остонадан ичкарига кирингу мижозларга бўлган муносабатни кузатинг. Кўп эмас, ярим соат етади. Шунда кўрасиз, бу идора жамият учун нечоғлиқ зарур, ходимлар ўз вазифасини қай даражада уддалаяпти.***

-Мен банкни тараққиётнинг доимо уриб турадиган юрагига ўхшатаман, - дейди олтиариқлик Нодирбек Жўраев. - Агар бу юрак ишдан чиқса тамом, ислоҳотлар депсиниб қолади. Масалан, ўзим 23 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этганда "Пахта Банк"ни танладим. Биринчидан, умри жўяклар орасида ўтаётган киши учун банкнинг номи қулоққа ёқимли эшитилади, сўнг аниқлик, тезкорлик устувор бу ерда. Банкнинг кредити ҳисобига "ТТЗ-100" русумли янги трактор сотиб олдим. Имтиёзли асосда, албатта. Ишим юришиб кетди. Ҳозир 13 гектар ердаги пахтам бир текис очилаяпти. Эрта-индин теримга тушаман. Ғалладан эса шу йилнинг ўзида 2 миллион сўм даромад кўрдим.

-Илгари бригадир эдим, ҳисоб-китоб ишларига қизиқмаганман. Колхознинг ҳисобчиси, маошингиз шунча, шунча устама бор, деса тўғри-тўғри, деб қўяқолганмиз. Арзимаган иш ҳақи билан куним ўтарди. Билмаганмиз-да, - дейди "Муҳиддин ҳожи" фермер хўжалиги соҳиби Анваржон Сиддиқов. – Ерлар эгали бўла бошлагач, роса ўйладим. Сўнг озгина ҳадик билан фермер бўлишга аҳд қилдим. Қишлоқнинг тор кўчасида юрган одамга катта йўлга чиқиш, мустақил иш юритиш осон эмас-да. Яхшики, Шоира опам бор экан, "Пахта Банк"ка чақириб, ўзи раҳбар бўлган бўлимда менга ўхшаган кишиларни ҳафта-ўн кун ўқитиб, маслаҳат бериб, кўзимизни очди.

**(Давоми 3-бетда)**

БОЛАЛАР СПОРТИ

# ПОЛВОНТЕПАНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

***-Нега рухсат бермайсиз, бизларга раис бобомиз "бу ўйингоҳни сизлар учун қураяпмиз", деган эдилар, - деди бир гуруҳ ўғил-қизлар номидан Башорат.***

Ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган стадион қоровули нима қиларини билмай турган маҳалда раиснинг ўзлари келиб қолди. Чуғурлашиб атрофини ўраб олган болажонларга қувонч билан қараркан, "Шу ўйингоҳ бутунлай сизларники, фақат асраб-авайлаб фойдаланинглар" деди.

Ҳа, Каттақўрғон туманидаги "Каттақўрғон маскаси" ширкат хўжалигининг Полвонтепа қишлоғида Мустақиллигимизнинг номи билан аталувчи, 4 минг ўринли замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**(Давоми 4-бетда)**

# ЁШЛИКНИ ХАЗОН ЭТГАН ЖОҲИЛЛИК

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

***Бу йигитлар тенгқур, болаликдан бир-бирига синашта жўралар эди. Ёшлари йигирма уч-йигирма тўрт атрофида, бугунги кунда аксар қишлоқ ёшлари сингари на бир тайинли иш бошини тутишган, на қўлларида ҳунарлари бор. Бекорчи. Ким билсин, эҳтимол, ҳали чимилдиқ кўрмаган бу йигитларнинг оз эмас, ўн тўққиз йил озодликдан маҳрум, панжаралар ортида айни камолот даврини елга совуришларига мана шу бекорчилик сабаб бўлгандир. Очиғи, буёғи бизга қоронғу...***

Баҳодир Каримов, Умид Умурзоқов ҳамда Баҳодир Қўчқоровлар Янгийўл тумани Халқобод қўрғонида истиқомат қиладилар. Учаласи ҳам эл ичида ҳурмати бор оилада туғилганлар (негадир "тарбия топганлар" сўзи шу ўринда ярашиқли эмасдек, назаримизда!).

Улар мактабни тамомлаб, йигитлик бурчини ҳам ўтаб қайтишди. Аммо ҳали ҳаётнинг пасту баландини кўришга, оқ-қорани танишга улгурмаган йигитлар аввал безорилик, сўнг ўғрилик, охирида эса қотилликка қўл урдилар.

Йигитларга-ку бўш вақтлари кўплиги, бекорчиликдаги тараллабедод юриш айни муддао эди, бироқ аллақачон ота-она қарамоғидан чиқиш лозимлигини, ҳадемай бирин-кетин рўзғор юки гарданларига тушишини, ишлаб пул топиш пайти келганлигини-да ҳис қилиб туришарди.

"Иш топиш керак, иш бўлганда ҳам маоши кўнгилдагидек бўлсин" – шу ўйда улар шаҳардаги "Uzbek-Kabool" қўшма корхонасига йўл олдилар. Корхонада Халқобод қўрғонида яшовчи ўнлаб ишчилар меҳнат қилишар, уларга навбатчи автобус хизмат кўрсатарди.

**(Давоми 2-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ҚЎҚОН БУЛБУЛИ

ҲАЁТ ДАРАХТИ

“БИРОВНИКИ БУЮРМАДИ”

# Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Ашурова Махаррам** - Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 38-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Аҳроров Равшан** - Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 47-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Бегматова Халиниса** - Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ерназаров Халилла** - Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 6-истеъдод мактабининг кимё ўқитувчиси

**Ибрагимов Аминжан** - Наманган вилояти Чуст тумани педагогика касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

**Керимов Низами Азизович** - Яккакураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директорининг ўринбосари

**Махмудов Рахматжон Ахмедович** - Фарғона вилояти Риштон туманидаги 26-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Муминов Хамро** - Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

**Отавалиева Ульмасхон** - Андижон вилояти Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг биология ўқитувчиси

**Рахманов Бобажан** - Хоразм вилояти Шовот туманидаги 4-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

**Сарсенбаев Конысбай** - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 21-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Тулаев Абдурауб Абдинович** - Тошкент вилояти Пискент туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Усанов Аллаберди**- Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 4-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Файзуллаев Нартура** - Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 7-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Халилов Дурбек Аминджанович** - Фарғона политехника институти физика кафедрасининг доценти

**Хлебожорова Галина Петровна** - Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 404-махсус мактабгача таълим муассасасининг сурдо педагоги

**Холмурадов Тошпулат** - Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 21-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

**Цой Тамара** - Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 2-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ғаппарова Зарифа** - Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ҳайдаров Суванкул Раимович**- Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 16-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни яратиш, уларни ўз юртига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Абдуманонов Абдухамед** - Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Кўзи ожиз болалар махсус мактаб интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Артикова Гулбиби** - Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Жапбарова Санам** - Навоий вилояти Конимех туманидаги 7-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Заиров Ўткир** - Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Зайнидинова Насиба Ешмуратовна** - Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ишназарова Олия Баракаевна** - Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Йўлдошев Худойназар** - Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 5-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Ким Светлана** - Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Купер Ася Абрамовна** - Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйининг логопеди

**Нурматов Иномидин** - Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Отажанов Бахадир** - Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Рўзиев Қамар Қаландарович** - Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Федечева Вера Ивановна** - Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Эркабаева Дилором Рамзоевна** - Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 17-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

**Ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Дўстлик» ордени билан**

**Абдуллоев Зубайдилло** - Бухоро вилояти Когон тумани халқ таълими бўлимининг мудири

**Алланазаров Турди** - Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 48-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бердимуратов Махсетбай** - Қорақалпоғистон Республикаси 2-Шуманай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Булекбаева Шолпан Бухарбаевна** - Навоий вилояти Томди туманидаги 10-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Волкова Лариса Александровна** - Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Ганиева Хурмат** - Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Горбанева Валентина Васильевна** - Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 18-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Губарь Елена Ароновна** - Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 51-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Жалалов Гулам** - Тошкент шаҳар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори

**Зарипов Гулшанжон Хакимжон ўғли** - Фарғона вилояти Сўх туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси

**Махамбеталиева Сакип** - Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 4-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мирзаева Рисолат** - Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 74-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Мирзаева Айби Негмуратовна** - Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 10-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Мустапаев Конысбай** - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

**Рязанцева Елена Геннадевна** - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Саиднафасова Гулнар Чориевна** - Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Сиддиков Садикжон**- Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-сон болалар мусиқа мактабининг мусиқа ўқитувчиси

**Султанова Мархаматжон Бойбобоевна**- Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Ситора» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Тукшайтова Найля Идрисовна** - Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Хасанов Марат Абдушарипович** - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича педагог-мураббийси

**Чопанашивили Наталия Алексеевна** - Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 2-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Эшонкулов Абдулло** - Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ўтанов Абдулла Ураимович** - Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда таълим жараёнига янги, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдибокиев Уктамжон** - Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 43-мактабнинг география-биология ўқитувчиси

**Абдуахатов Бахтиёр**- Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 4-вилоят лицей-интернатининг кимё ўқитувчиси

**Абдуллаев Валижон Алижанович**- Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

**Абдуллаев Тохиржон**- Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 42-мактабнинг директори

**Абдуллаев Арзикул Абдираимович**- Сирдарё вилояти Оқолтин ижтимоий-иқтисодий коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Адилова Дилором Асадовна** - Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 42-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Адылова Дилорам** - Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 67-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Акбарова Сахадатхан** - Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 18-лицей-интернатнинг физика ўқитувчиси

**Аликулов Эркин Бердиёрович**- Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 44-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Алмарданов Абсалом**- Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 24-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Алматов Рисбой Тожибоевич** - Тошкент вилояти Бўка туманидаги 34-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Арслонов Ибрагим** - Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 21-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Аслиев Насриддин** - Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 6-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Аслонова Мухтарам Аскаровна** - Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейнинг биология ўқитувчиси

**Асророва Сабоат Эргашевна** - Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Ашурова Махмуда Абдусатторовна** - Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Бакирова Замирахон Акбаровна** - Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 9-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси

**Баситханова Мунира Шакиров** - Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Бекимбетова Айпарша Рапыковна** - Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Бердимуратова Рая Убайдуллаевна** - Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 8-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Бобаярова Замира Суюновна** - Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 3-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Бозоров Тоғаймурат Нурмаматович** - Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 6-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Бухаров Адылжан Саидович** - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Глушкова Любовь Михайловна** - Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Джалалова Тожибархон Янгиевна** - Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 11-санатория мактаб-интернатнинг педагог-психологи

**Досимбетова Салиха Садыковна**- Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Зикрияева Тамара Рустамовна** - Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Зукирова Нуриниса** - Тошкент вилояти Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактабнинг математика ўқитувчиси

**Йўлчиев Норматжон Маматович** - Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги лицей-интернатнинг директори

**Касимова Надира Жамаловна** - Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 46-мактабнинг кутубхона мудири

**Латифжонов Козимжон** - Андижон вилояти Андижон туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Мамасидиков Хакимжон** - Наманган вилояти Поп тумани халқ таълими бўлимининг фонд дарсликлари бўйича методисти

**Мирсоатова Хафиза Абдуллаевна** - Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Миртожиев Меливай** - Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 14-мактабнинг география ўқитувчиси

**Мурадова Маҳпуза Ғаниевна** - Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 37-мактабнинг директори

**Мухтаров Алламберган** - Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 33-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Набиходжаев Дилшод Ибрагимович** - Андижон вилояти Избоскан ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

**Негматова Зулфия Саидовна**- Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-мактабнинг расм ва чизмачилик ўқитувчиси

**Нуралиев Нурмахмат**- Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 70-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Однаматова Дилором Эргашевна** - Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси

**Орынбаев Куанышбай Конысбаевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 1-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Отабоева Ирода Фозиловна** - Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Пайзимуродова Тожиалиевна**- Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги Потимахон 25-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Рахимова Мухтабар Каюмовна** - Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 22-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Рахманов Шарофидин Хазратович**- Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 34-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Рахманов Саид Ибрагимович** - Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг француз тили ўқитувчиси

**Рузиев Абдурашид** - Қашқадарё вилояти Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика ва математика ўқитувчиси

**Санакулов Камбар Батирович**- Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 81-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Сафарова Гулнора Облаевна** - Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 9-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Сейдалиева Генжегул Икмадуллаевна** - Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Сузаков Рахмат Машрапович** - Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 32-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Ташева Хонзода Назарович** - Хоразм вилояти Боғот туманидаги 20-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Ташбаев Бегназар** - Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги иқтидорли болалар мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Тошмуротов Чори Турдиевич** - Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Ёш техниклар ижодиёти марказининг тўгарак раҳбари

**Туратов Басим** - Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудирининг муовини

**Турғунова Тошмома Турсуновна** - Фарғона вилояти Қува туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатнинг тарих ўқитувчиси

**Турдиева Жамила Сафаровна**- Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 39-мактабнинг география ўқитувчиси

**Турдиева Ниёзбуви** - Жиззах вилояти Зомин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Турманова Перихан Абдижамаловна** - Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 12-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Умурзакова Муборак Кодировна** - Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 31-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Уралов Абдували Тургунович**- Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Урмонов Жалолиддин Рустамович** - Фарғона вилояти Данғара туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

**Фузайилова Зайнаб Исроиловна** - Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Хайдаров Обиджон Вахобович**- Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Хакимов Собир Джуракулович**- Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 9-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Халилова Турсуной** - Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Хлынова Валентина Васильевна** - Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худайназарова Мукаддас Орзиматовна** - Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна** - Андижон вилояти Бўз туманидаги 15-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худиярова Кызларгуль Калбаевна** - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 57-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Чориева Марзия Баймухаметовна**- Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 14-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Эшанкулов Рахмон Сатторович** - Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 45-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Эшонкулова Богсара Байрамовна** - Бухоро вилояти Бухоро туманидаги «Қизил чиннигул» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Юлдашева Шохида Шакарзатовна**- Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейининг инглиз тили ўқитувчиси

**Юсупов Бахриддин Абдиалимович** - Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Юсупова Раиса** - Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 43-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**Юсупходжаева Мукаддас Акбаровна** - Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Қадырниязова Қатиша Бердиниязовна** - Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 21-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**Қодиров Маҳмарайим**- Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлимининг методисти

**Қосимова Манзурахон Ўктамовна** - Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 24-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Қурбонов Эшмамат** - Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 32-мактабнинг кимё ўқитувчиси

**Кўчқорова Бибиражаб Ибрагимовна** - Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Ҳасанов Сувар Жабборович** - Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Ҳақбердиева Матлюба Алимовна** - Навоий вилояти Навоий туманидаги 3-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 сентябрь

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ТОБУТГА АЙЛАНГАН МАШИНА

***Автомобилсозлик мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Ҳозирги енгил машиналар қулайлиги, тезкорлик билан ўзида замон шитобини акс эттирмоқда. Бу эса ундан фойдаланишда ҳушёр, огоҳ, зийрак бўлишни талаб этади. Сал ғафлатда қолсангиз...***

Зайнобиддин машинасидан тушиб у-бу жойга кирганида дераза, эшикларни зирхлаб ёпиб, масофадан иш бажарувчи пульт билан антиқа хуштак остида қулфлаб қўяди. Бу гал ҳам шундай қилди. Тим қора "Нексия"сини соярoқ жой тополмагач офтобда қолдириб, чойхонага кирди. Уч ёшли қизалоғи Орзигул эса орқа ўриндиқда қўлчаларини узатиб ухлаб ётарди. Уйғотиб олишга кўзи қиймади.

Мириқиб чой ичди, салқинлаб ҳовурини босди. Туришга чоғланаётганида танишлари келиб қолди. Уларнинг қистови билан яна бироз ўтирадиган бўлди. Суҳбат кўр олиб улфатлар икки-уч соат ўтиб кетганини ҳам сезишмай қолишди. Ниҳоят дастурхонга дуо ўқилди.

Зайнобиддин машина эшигини очди-ю, бироқ ичкарилай олмади. Салон шу қадар исиб кетибдики, накд буғхонанинг ўзгинаси. Шоша-пиша бош суқиб орқа ўриндиққа қаради. Қизчаси кўринмади. Орзигул пастда беҳуш ётарди. Унинг анча урингани, талпингани шундан сезилиб турарди. Уни қўлига олди, силкилади, сояга олиб ўтиб юзларига сув сепди. Гўдакда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Зудлик билан шифохонага элтишди...

Шифокорлар ўлим иссиқ ҳароратда кислород етишмовчилигидан юз берган, деган хулосага келишди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## «САХОВАТПЕША»

***Шерали Қўқон шаҳрида энг олди "бойвачча" оиланинг ичкуёви. Яқинда Шерали шундай саховатпешалик қилдики, бундан хабар топганлар "Отангга раҳмат!" дейишди. Кам таъминланган уч оиланинг уч "гўй бола"лари учун суннат тўйини ва бир ночор оила ўғлининг никоҳ тўйини шахсий даромади ҳисобига ўтказди.***

Тўйга икки кун қолганда Шералининг онаси Муҳаббат ая фарзанди ўтказаётган тўйга 19 минг сўм қарилик нафақасидан патир, қанд-курс қилиб борди.

Лекин келини, қудаси у ёқда турсин, ҳатто ўғли Шерали ҳам қуруққина салом-алик қилди-да, онадан узоқлашди. Тўйда етти ёт бегонага ҳам кўрсатиладиган иззат-икромни кўрмаган она тугунни қўлида тутганча ҳовлида мунғайиб қолди. Саховатпешалигини бутун шаҳар алқаётган Шералининг илиқ сўзигада маҳтал турган онасига биров парво қилди, биров қилмади.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ**

# ЁШЛИКНИ ХАЗОН ЭТГАН ЖОҲИЛЛИК

(Боши 1-бетда)

Ишга жойлашиш мақсадида шоввозларнинг омади чопмади. Сўнг улар Халқободга навбатчи автобусда қайтмоқчи бўлишди. Кеч соат ўн бирлар атрофида автобусдагилар тезроқ уйларига етиб олиш илинжида ҳориб-чарчаб келардилар. Тўсатдан Умиднинг олд ўриндиқда кетаётган ҳамқишлоғи Бахтиёр Султонов билан бир ойча муқаддам ниманингдир устида ғижиллашиб қолгани ёдига тушди. Шу баҳона сабаб чарчоқдан асаблари толиққан Бахтиёр ва унинг ўртасида даҳанаки жанг бошланди. Умидга ҳамтовоғи Баҳодир Кўчқоров ҳам шерик бўлди. Автобусдаги бу жанжал оқибатида Б.Султоновга енгил тан жароҳати етказилди. Юз иссиқ экан, жароҳат туфайли касалхонага тушган Бахтиёр кечирим сўраб, даъво қилмаслигини ўтиниб борган Умид ва Баҳодирларнинг қилмишини унутди.

Афсуски, ўз навбатида ўзгаларга азият етказиш оқибатини тезда унутган У.Умурзоқов ва Б.Кўчқоров Б.Каримов билан жиноий тил бириктирдилар. Улар энди бел оғримай пул топишнинг шармандаларча йўлини танлашганди.

Ҳеч эшитганмисиз, даргоҳида ўн йил таълим олиб, болалик, ўсмирликнинг беғубор онлари кечган мактабига ўғирликка тушган, уни талон-торож қилган нонкўрлар ҳақида? Балки бундайлар бармоқ билан санагуликмасдир, аммо уларга ягона ном муносиб: - Уятсиз! Нонкўр! Виждонсиз!

Бу уч йигит ҳам ўз шаънларига шу номни лойиқ кўрдилар. Улар Халқобод қўрғонидаги 28-сонли мактабга тунда деразаларни синдириб киришган ҳамда мактаб директори хонасидаги сейфни бузиб, ундаги 42.000 сўмни ва мактабни таъмирлаш учун олиб қўйилган 5.300 сўмлик уч банка бўёқни ҳам ўғирлайдилар.

Бундан олдин ҳам улар Халқобод алоқа бўлими биносига яширинча киришган, у ердаги сейфни ҳам бузиб, 400.000 сўм пулни ўмаришган эди.

"Мактаб операцияси" муваффақиятли чиққач, сейфни бузиб, пул ўғирлаш ҳадисини олган ҳамтовоқлар тумандаги У.Юсупов ширкатлар хўжалигининг маъмурий биносига ҳам "ташриф буюрадилар".

-Энди каттароқ ва дадилроқ қадам ташлаш пайти келди, - дейди Б.Каримов синашталарига. Уларнинг Фарғонага қилажак "сафар"лари, назарларида, "каттароқ ва дадилроқ қадам" эди.

Фарғонада ҳарбий хизматни ўтаётган ҳамқишлоқларини кўриб келиш баҳонасида водийга йўл оладилар. Бекорчилик-да! Соғинч ҳиссида юрган ҳамқишлоқларининг кўнглини олишади ва бирйўла – олис йўл – мойлироқ иш ҳам чиқиб қолар...

Фарғонада икки кун қолишга тўғри келди: ҳарбий хизматдаги ҳамқишлоқларидан ҳол сўрашиб, қайтишда Б.Каримовнинг "Каптархона" қишлоғида яшовчи Ҳасан исмли қариндошиникида меҳмон бўлишади. Сўнг Тошкентга кетиш учун Марғилон шаҳридаги хусусий автомашиналар турадиган жойга келадилар. Худди мана шу ерда Б.Каримов яна бир қабиҳ режасини жўралари билан ўртоқлашади. У.Умурзоқов ҳам, Б.Кўчқоров ҳам уни қўллаб-қувватлайди. Хуллас...

Фарғоналик, 1969 йилда туғилган Собит Халилов Тошкентга йўловчиларни ташиб киракашлик қилар, жўжабирдай жон, рўзғорини шу тўрт оёқли улови - "Нексия" билан тебратарди. Айнан шу киши жоҳилларнинг "ўлжа"сига айланди.

-Ака, уч кишимиз. Тошкентгача неча пул бўлади?

Соддадил Собит йўловчи йўлиққанига хурсанд, шоша-пиша йўл ҳақи 25 минг сўм бўлишини айтди. Йигитлар рози бўлиб, машинага ўтирдилар. Йўл-йўлакай режани амалга оширишга қулай фурсат излашар, кеч тушиши билан тобора қуюқлашаётган қоронғилик кўнгилларини хотиржам этарди.

Пойтахтга етиб келишганда, Собитни яна алдадилар:

-Қоронғида қаерга борамиз, ака? Уйимизгача... Халқободгача олиб бориб қўйинг. Устига яна уч-тўрт минг сўм берамиз.

Қишнинг изғиринли кечасида бу йигитларнинг кўчада сарсон қолишига ачиниб, қолаверса, уч-тўрт минг сўм илинжида ҳайдовчи бу таклифга рози бўлди. Бу розилик ўзининг сўнгги манзилга олиб боришини у хаёлига келтирибдимиди?!

Янгийўлга кириб келишаркан, овлоқ, кимсасиз жойда машинани тўхтатишни илтимос қилишди. Собит тўхтатиши биланоқ орқа ўриндиқда ўтирган Умид камарини унинг бўйнига солиб бўға бошлади. Б.Кўчқоров ва Б.Каримов Умидга ёрдамлашар, ожиз аҳволдаги ҳайдовчини тепиб уришарди. Бу зўравонлик ўз кучини кўрсатди: С.Халилов воқеа жойида оламдан ўтганди.

Кўзлари қонга тўлган, ёвузлик ботқоғидаги жоҳиллар ўликни ва машина ҳужжатлари, номери ёзилган тахтачани шу ҳудуддан оқиб ўтувчи Бўз-сув каналига улоқтирдилар. Пасткашликни қарангки, марҳумнинг чўнтагида бўлган 5 минг сўм пулни ҳам олишни ёддан чиқаришмади. Шу билан жиноятлари фош бўлмайдигандек хотиржам, кейинги келажак ишлари ҳақида келишиб олдилар. Энди "Нексия"ни ими-жимида сотиб юбориш ва мўмайгина пулга маишат қилиш истагида йўлга чиққан бу қотилларнинг борар манзили қора курси бўлиб чиқди.

Ёшликда хато қилинса, бебошлик-да, дея кечирилади. Ўғирлик, қотилликдек оғир гуноҳ қилинсачи? Воқеа тафсилотлари билан танишаркансиз, наҳот инсон бирдан шу даражада тубанлашса, деб ёқа ушлайсиз. Ёки нафс инсонни ўз йўриғига шу қадар осон солармикан?

Савол ортидан савол... Аммо ягона бир жавоб бор, бизнингча!

Ёшликни хазон этган жаҳолат бўлди...

**Ҳ.ИНОЯТОВ,**
**Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Ф.МАҲКАМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СЕКИН-СЕКИН... ҚАЕРГА БОРАМИЗ?

(Боши 1-бетда)

Сув туфайли бобо, ота, амаки ўзини денгизга улоқтиради; авлод давомчиси бўлган болакай омон қолсин учун, унинг омон қолиши эса бочкада охирлаб қолган сувга боғлиқлиги учун чанқоқ азобидан кўра ўлимни афзал биладилар.

Назаримда, бу манзара бутун башарият қисматига дахлдордек.

Сўнгги пайтларда она табиатнинг инъоми – чучук сувнинг танқислиги ошаётганлиги, ушбу экологик муаммо глобал тус олаётганлиги хусусида бот-бот сўз юритиляпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилни чучук сув йили, деб эълон қилиши ҳам бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб аҳолини сувни тежаш, сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга кўниктириш, бу билан муаммога қайсидир маънода ечим топиш мумкинлиги ҳам алоҳида таъкидланмоқда. Аммо бунга зид ўлароқ республикамизнинг шундай ҳудудлари борки, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш долзарблилик касб этиб, сув таъминоти оғриқли нуқтага айланган. Бу ҳудудларда истиқомат қилувчилар ўз-ўзидан сувни тежаб ишлатишга кўникканлар. Чунки уларнинг кундалик ташвишларидан асосийси ҳам – челак кўтариб сув излаш бўлиб қолган.

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ана шундай сув танқислиги сезиларли даражада юқори ҳудуд ҳисобланади.

Хўш, бунга масъул идоралар қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар?

Оқолтин "Сув-оқава" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Қобил Арипов бу борада шундай дейди:

-Туманимизда ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилгунига қадар ичимлик суви таъминоти хўжаликлар балансида бўлган. "Сув-оқава" ишлаб чиқариш корхонасининг хизмат кўрсатаётганига энди икки ой тўлди. Иш бошлаган пайтимизданоқ туман бўйича 15 та сув ҳавзасини қабул қилиб олганимизда, уларнинг атиги 5 таси ишлар, қолганлари носоз ҳолатда эди. Қисқа фурсат ичида 15 та сув ҳавзасидан 14 тасини ишлатишга муваффақ бўлдик. Эндиликда туманимизнинг қайси нуқтасига борманг, олдингидек, қизжувонларнинг челак кўтариб юрганини кўрмайсиз!

Қобил аканинг бу эътирофидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди: ниҳоят оқолтинликлар елкасига ҳам офтоб тегибди-да...

Бироқ жойларга чиқиб, кўрдикки, ҳали қувонишга, кўнгилни тоғдай кўтаришга эрта экан. Сабаби, туман марказининг кўчаларида кета туриб сув флягаларини велосипедга ортган йигитлар, челак кўтарган қизларни, аёлларни кўриб даставвал ҳайратландик. Кейин собиқ А.Тоиров, У.Носир, С.Сиддиқов номидаги хўжаликлар ҳудудини ўрганарканмиз, бу жойларда ҳам аҳвол юқоридагидан яхши эмаслигига амин бўлдик.

Қ.Арипов эса бу ҳолга шундай изоҳ берди:

-Барча сув ҳавзаларидан кунига уч маҳал сув юборамиз. Сув фақат сув ҳавзаларига яқин жойда истиқомат қиладиганларнинг жўмракларидан чиқади, холос. Чунки сув қувурлари эскирган, баъзи жойларда ҳатто чириган (30 йил тўлди бу сув қувурлари ўрнатилганига).

-Демак, сув қувурлари янгиланса, аҳоли тўлиқ ичимлик суви билан таъминланади, шундайми? – сўраймиз "Бунинг чораси кўриляптими?" оҳангида.

-Сув қувурларини янгилаш учун миллион-миллион маблағ керак. Аҳолидан эса пул тушуми йўқ...

"Сув ичмагандан кейин пулни нега тўлайди?" – хаёлимиздан кечади беихтиёр.

-Қолаверса, - давом этади Қобил ака, - бу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган корхонамизнинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, секин-секин оёққа туряпмиз... Биз ҳатто тайинли иш жойига ҳам эга эмасмиз: идорамиз йўқ. Эллик бир нафар ходим бор ва улар мавжуд сув ҳавзаларида иш олиб боришади. Бу ходимларни қандай қилиб узлуксиз маош билан таъминлайман, дея бошим қотади.

Муаммолар кўп... Секин-секин барчасини ҳал қиламиз...

Аслида Қ.Ариповнинг иддаосида ҳам жон бор. Ҳақиқатан, туманда сув қувурлари янгиланмас экан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммолигича қолаверади. Лекин буни ким ҳал қилади?

**Ф.ИБРОҲИМОВА**

# “ПАХТА БАНК” – ФЕРМЕР ҲАМКОРИ

(Боши 1-бетда)

“Энди алоҳида рўзғорсиз, ҳисобчингиз нима қоғоз кўтариб келса, қўл қўйиб бераверманглар. Ҳужжатларни ўзингиз кўринг, рақамларни чўтга ташланг, тўғримийўқми, билинг шундан сўнг имзо чекинг”, дейишди банкдагилар. Тушунмаган, билмаган нарсаларни ўргатишди. Кўриб турганингиздек, банкирларнинг жўяли маслаҳати билан кам бўлганимиз йўқ. 3 та тракторимизни созлаш учун бир ярим миллион сўм сарфладик. Бу ишни банкнинг кўмаги билан ўз вақтида бажарганимиз сабабли ёз бўйи техникамиз панд бермади. Оқибат давлатга 128 тонна дон сотиб, 2 ярим миллион сўм фойда кўрдик.

“Пахта Банк”нинг Олтиариқ бўлимида иш жараёнини йигирма дақиқа чамаси кузатдик. Атрофга синчковлик билан назар ташладик ҳам. Фарғонача ширинсўзлик, мижозларга намунали хизмат, ҳозиржавоблик ҳукмрон бу ерда. Девордаги кўргазмали ёзувларни ўқиган киши тадбиркорлик билан шуғулланиш, фермерлик ё кичик корхона очиш учун нималар қилиш лозимлигини дарров билиб олади. Тадбиркорлар бурчагида эса бизнес соҳасидаги янгиликлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар барча-барчаси ўз аксини топган.

-Бундан ташқари биз фермерларга кредитни қисқа фурсатда олишлари учун бизнес режа тузишда ҳам кўмаклашаяпмиз, - дейди “Пахта Банк”инг Олтиариқ бўлими мутахассиси Хадяхон Ишбоева. – Айтайлик, фермер яхши иш ўрни очмоқчи. Ускунани қаердан келтириш мумкин, нархи қанча, техника замонавийми, буларни билмасдан иш бошлаш қоронғуликка шўнғиш билан тенг. Аммо бугун мижозга уни қилбуни қил дейдиган замон ҳам эмас, чунки фермеру тадбиркор мустақил-да. Шу боис кредит сўраган мижозга жўяли маслаҳат берамиз. Бизнинг ахборот тўплаш имкониятимиз уникидан катта-да. Қолаверса, компьютерлар орқали информация олиш, Интернетга чиқишимиз мумкин. Шукрки, гапимиз аксарият ҳолда мижозларга қўл келаяпти, оқибат уларнинг иши юришиб кетиб, бизга ҳам фойда келтиряпти.



## БАҒДОДЛИК БАҲОДИРЛАР

Бугун Бағдод туманида пахта хом ашёсининг 37 фоизини, бошоқли доннинг 54 фоизини фермерлар етказиб бераяпти. 438 нафар фермер ихтиёрида 6431 гектар ер бор. Дала айланиб гулга бурканган, яшнаб турган пайкалга тўхтамай, экини ночорроқ жойга кириб сўранг: “Бу кимнинг даласи?” Одамлар дарров изоҳ беради: “Илгари ташландиқ эди, яқинда фермерликка айланди. Ҳадемай бу далани танимай қоласиз”.

Мулкка эгалик хосиятими бу? Балки одамлар кўпроқ наф кўриш мақсадида ерга меҳр қўйдимикин?

-Ҳар икки гапда ҳам жон бор, - дейди Бағдод туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Низомжон Юнусов. – Бугун дангасалик қилган киши оч қолади. Шартнома бажарилмаса жарима ҳам тўлайди. Бозорнинг талаби шундай. Шунинг учун ерни олган фермер кам харажат қилиб, кўпроқ ҳосил олишга интилаяпти. “Пахта Банк” билан ҳамкорлик фермерларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаётгани ҳам бор гап. Буни фермерлар билан суҳбатлашиб ўзингиз ҳам билиб оласиз.

У шундай дея бизни “Тожибой ота” фермер хўжалигининг даласига бошлади.

-Бир сўзли, ваъда бердими – айтганини қиладиган одам, -деди ўринбосар фермер ҳақида. - Бўлмаса келгуси йил учун газетамизга эртагаёқ 4 нусха обуна бўлиш лозимлигини айтар эканмиз-да, - дедим ҳамроҳимга.

- Айтмасангиз ҳам “Қишлоқ ҳаёти” унинг жону дили, бирор сонини қўймай ўқийди.

24,4 гектар ернинг соҳиби, фермер Абдуназар Тожибоевни далада учратдик.

-Астойдил интилса, инсон ҳамма ишни эплаши мумкин, - дейди фермер. – Бундан уч йил илгари фермер бўлиш тушгаям кирмаганди. Ер олдик, иш бошладик, “Пахта Банк” мутахассисларидан билмаганимизни сўрадик. Қарабсизки, даромад кўпайиб тилга тушдик. Ўтган йил банкдан 2 миллион сўм кредит олиб, керакли эҳтиёжларга ишлатдик. Биласизми, кредитни жуда қисқа фурсатда оворагарчиликсиз олдик. Банкнинг кўмаги шу-да энди. Тўғрими?

Суҳбатга Тожибоевнинг қўшниси фермер Икромжон Мустафоқулов қўшилди.

-Ҳақиқий ҳамкор етишмовчилик пайти билинади. Ўтган йили техника олиш учун 4 миллион 800 минг сўм “Пахта Банк”дан кредит сўрадим. Бизнес режамни кўриб дарров пулни беришди, барака топгурлар. Шу кредит туфайли қишлоғимиздаги беш нафар йигитни ишга олдим. Техникаларимни бутладим. Дончиликдан қарийб 1 миллион сўм фойда кўраяпман, далам илгари ташландиқ жой бўлган-да. Пахтазор ҳам насиб этса яхши ҳосил беради. Ана шунда йил якунига бориб кредитни қайтариш баробарида якуний фойдага чиқаман. Буни хўжалигимнинг яқин ҳамкори - “Пахта Банк”дагилар ҳам айтишаяпти.

Фермер 44,7 гектар ерни эплаш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш осон эмаслигини ҳам яширмади.

-Баъзилар экинни тез-тез суғорса зўр бўлади, дейди, аммо оқава сув қайси ариқ ё зовур орқали чиқиб кетади – буни ўйламайдиям, - дея мулоҳаза юритади Икромжон Мустафоқулов. - Насиб этса келгуси йил мелиорация ишларига ҳам алоҳида пул ажратмоқчиман. Экскаваторчи билан гаплашиб қўйдим. Пулни тўланг зовурни сифатли қилиб ковлаб бераман. Чуқурлигини кўриб “о-о” дейсиз, деди. Ана шунақа режам. Агар пулим озгина етмаса, “Пахта Банк”дан сўрайман, улар йўқ дейишмайди.

## ҚАРЗНИ ЭПЛАГАН ОЛАДИ



-Хабарингиз бор, ер сўраб, фермер бўламан деган кишининг аризасини махсус комиссия ўрганиб чиқади. Меҳнаткаш, бир сўзли, ишончни оқлайдиган деҳқонларга ер берилади. Нега шу усул кредит беришда бўлмаслиги лозим? - дейди “Пахта Банк”нинг Бувайда туман бўлими бошқарувчиси Иброҳим Ғафуров. – Шу боис биз энг мақбул, ҳар икки томонга ҳам кўпроқ наф келтирадиган лойиҳаларни молиялаштираяпмиз. Ҳозир 15 дан ортиқ фермер хўжаликлари биз берган сармояни олиб катта ишларга қўл урмоқда.

Банк бўлимининг мижозларидан бири Бахтиёр Султон билан суҳбатлашдик. У бир пайтлар бокс бўйича республика чемпиони бўлган, бугун эса 33 гектар ернинг соҳиби.



-4 та техникам бор, ҳаммаси соз. Шу боис еримни кенгайтирмоқчиман, - дейди спортчи фермер. – Ҳоким аризамни инобатга олиб яна 50 гектар ер берса, далани яшнатиб, ғалла ва пахта экиб, фойдасига бокс саройи қураман. Ана шунда бувайдалик ёшлар ўзимга ўхшаб чемпион бўлишади. Қолаверса, мен бой бўлсам, банк ҳам, маҳаллий бюджет ҳам даромад кўради-да.

-Очиғи, “Пахта Банк”нинг хизматидан биз ҳам хурсанд, - дейди Бувайда “Қишлоқхўжаликкимё” идораси раҳбари Солижон Йўлдошев. – Биргина шу йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1855 тонна азотли, 757 тонна фосфорли ўғитлар етказдик. 1559 гектар майдонда кўсак қуртига, 1487 гектар ерда ўргимчакканага қарши кимёвий воситалар билан ишлов бердик. Бу юмушларнинг ўз вақтида бажарилишида “Пахта Банк” бўлимининг хизмати катта бўлди. Банк мутахассислари бугун қарздорликни камайтириш борасида ҳам бизга яқиндан кўмак беришаяпти. Шундай бўлгач, бу идора мутасаддиларига раҳмат айтамиз-да.

Шу куни “Пахта Банк”нинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси Баҳодир Охунов билан кўришдик.

-Ўзингиз фермерлар, тадбиркору ташкилот раҳбарлари билан суҳбатлашдингиз. Ишимиз ёмон эмас-а, - деди у. - Очиғи, транш маблағи ўрнига беш фоизлик кредитлаш тизимига ўтилгани ҳам мутахассисларимизни янада аниқ, тез ва соз ишлашга ундаяпти. Банк соҳасидаги ўзгаришларни тез илғаб олиш, хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини қўллаш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Минибанклар фаолияти сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариляпти. Компьютерларни такомиллаштириш, ахборот-коммуникация тизимининг банк шохобчаларига кириб келиши иш унумдорлигини кескин оширяпти. Бу бизга банклар ўртасидаги рақобатда ўз мавқеимизни янада мустаҳкамлаш имконини беряпти.

Маълумотларга кўра вилоятда 7000 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Улар жами вилоятдаги доннинг 36 фоизини, пахтанинг 33 фоизини етиштираяпти. Кейинги йил бу рақам тағин ошади.

-Келажакда кўрасиз, - деди Баҳодир Охунов хайрлашар чоғида. – Фарғонанинг қаддини фермерлар кўтаришади. Биз шу сабабли уларнинг яқин ҳамкорига айланганмиз.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт йўли, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, хусусийлаштириш жараёни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлади.

# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ АНЖУМАНИ

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, музокаралар ўтказди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Ўзбекистон нефт ва газ секторини ривожлантиришга оид мавзуидаги музокарада мазкур соҳаларга оид сармоявий лойиҳалар тақдимоти ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармоя жалб этишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди.

Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга бағишланган давра суҳбатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, ипакчилик, тўқимачилик, енгил саноатни равнақ топтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сайёҳлик, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича музокаралар ҳам анжуман кун тартибидаги асосий масалалардан. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизда сайёҳликни, транспорт ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ИТБ анжумани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштириш жараёнига бағишланган музокараларда эса, мамлакатимизда енгил саноат, тоғ-кон, нефт ва газ, машинасозлик ва банк соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоядорларнинг иштироки хусусидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ДЕҲҚОН НИЯТИ ХОЛИС

**МАВСУМ**

***Шу кунларда қайси вилоятга борманг, пахта майдонларидаги қизғин меҳнатнинг устидан чиқасиз. Йиғим-терим ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Пахтакорларнинг олдиларига қўйган мақсади битта - ҳосилни нес-нобуд қилмай, сифатли йиғиб олиш.***

-Бу йил ғўза ривожи ўтган йилга қараганда 10-15 кун кечикди. Бироқ пахтачиликнинг ҳадисини олган мутахассису деҳқонларнинг тадбирли меҳнатлари самарасиз кетмади, - дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмат Мубораков. – Далаларда кўзланган ҳосил етиштирилди. Галдаги иш уни сифатли йиғиб олиш.

Баҳорда 1 миллион 394 минг 400 гектар майдонга чигит қадалган. Гарчи бу йилги пахта ўтган йилгига нисбатан бироз кечки бўлса-да, далаларда етиштирилган ҳосилнинг чўғи баланд. Буни дастлабки йиғим-терим натижалари ҳам тасдиқлайди.

Олинган тезкор маълумотга кўра, йиғим-терим мавсумида андижонлик пахтакорлар етакчилик қилмоқдалар. Улар бир иш кунида 10 минг 412 тонна ҳосилни йиғиб олиб, ҳозиргача 132 минг тонналик “оқ олтин” хирмонини ҳозирладилар. Бу вилоят шартномавий режасининг 42,6 фоизи бажарилди демакдир. Шунингдек, қашқадарёлик миришкорлар ҳам кунига 10 минг тоннадан ортиқ пахтани йиғиб-териб олишга эришмоқдалар. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона вилоятлари деҳқонлари меҳнатининг натижалари ҳам таҳсинга сазовор. Бугунгача республика бўйича бир иш кунида 30 минг тоннадан зиёд пахта хирмонга келиб тушяпти. Йиғилган ҳосил эса 209,3 минг тонна.

-Режалаштирилган 3 миллион 600 минг тонна ҳосилни 10 ноябргача йиғиб олиш тараддудидамиз, - дейди суҳбатдошимиз Абдураҳмат Мубораков. – Чунки олдинги йиллардагидек 4-5 марта эмас, 2-терим билан ҳосилни йиғиб оламиз. Ёмғирли кунда терилган ҳосилнинг сифати пасаяди. Паст навли пахтага эса эҳтиёж йўқ. Бундан ташқари 10 декабргача шудгорлаш ишларини якунлаш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 августдаги “2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қўл ва машинада терилган пахта учун ҳақ тўлаш ўтган йили тўланган ҳақ даражасидан камида 10 фоиз ортиқ бўлиши айтиб ўтилган.

-Қарорга таянган ҳолда бу йил терилган 1 кг. ўрта толали пахта учун 31 сўм, ингичка толали пахта учун эса 34 сўм ҳақ тўлаш белгиланди, - деди акционерлик-тижорат “Пахта Банк”нинг пул муомаласи бошқармаси бошлиғи Мирзаортиқ Ортиқов. – Қарорни бекаму кўст бажариш, пахта йиғим-терими мавсумини яхши ўтказиш мақсадида “Пахта Банк”нинг ҳар бир бўлимида ишчи гуруҳлар ташкил қилинган. Улар ҳар беш кунлик натижага кўра, теримчиларга ҳақ тўлашни таъминлаш чораларини кўрадилар.

Шубҳасизки, теримчиларга ўз вақтида ҳақ тўланиши иш сифати ва салмоғини оширади.

**Саид РАҲМОНОВ**

**“ЎЗДОНМАҲСУЛОТ” ДАК КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА,ШИРКАТ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**“БАРАКА”**

***ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи “Барака” номли препаратни харид қилишни таклиф этади.***

*Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Давлат кимё комиссия”си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олиниб, кўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.*

*Препарат токсикологик гигиена хулосасига кўра IV синфга мансуб.*

*Ўзбекистон Республикаси “Давлат кимё комиссия”сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли “Баённома”сига асосан хўжаликларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши жойларда “Барака” препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.*

Препаратнинг 1 тонна уруғлик буғдойга сарф меъёри 0,4 килограмм.

1 килограмм препаратнинг нархи 10 минг сўм.

Харид қилинган препаратга сифат “Сертификати” берилади.

ФИРМА МАНЗИЛГОҲИ: ТОШКЕНТ Ш., МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ, 108А-УЙ. ГУРУЧ ЗАВОДИ БЕКАТИ. ТЕЛ.: 93-00-10, 182-76-19.

# МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

**ЯХШИ ХАБАР**

***Далаларда мўл ҳосил тўплаб, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказаётган қорақалпоғистонлик шоликорлардан кетма-кет хушхабарлар келмоқда.***

Шоличиликка ихтисослашган Нукус туманидаги “Шўртанбой” ширкат хўжалиги аъзолари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга шоли сотиш йиллик шартномавий режаларини бажарганликлари тўғрисидаги рапортга имзо чекишди. 1400 гектардан 1750 тонна сара шоли қабул қилиш шохобчаларига топширилди. Эришилган ютуққа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Рисназар Жуманазаров, Кулус Абдурасулиев, Мирзабой Есназаров, Давлатбой Каримбоев, Юсуф Оқтаев, Азиз Калимбетов сингари тажрибали деҳқонлар бош-қош бўлган пудратчилар ўзларига бирктилган ҳар гектар ердан 55-62 центнердан ҳосил олишиб, муносиб ҳисса қўшдилар. Ширкат хўжалигидаги мавжуд шоли майдонларининг эндигина олтмиш фоизи ўриб-янчиб олинди. Қолган майдонлардаги ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда 6 та “Класс” ҳамда ўнлаб Россия комбайнлари баракали ишлатилмоқда.

Қорақалпоғистондаги шоличиликка ихтисослаштирилган Қўнғирот, Қонликўл, Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой туманларининг ўнлаб ширкат хўжаликлари ҳам давлатга шоли топшириш йиллик шартномавий режаларини тезроқ бажариш мақсадида ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказаяптилар.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ИСРОИЛНИ АЙБДОР ДЕБ ТОПИШДИ

***Якшанба куни Европарламент вакиллари Рамаллоҳ шаҳрида Фаластин етакчиси Ёсир Арафот билан учрашдилар.***



Учрашувда бугунги сиёсий вазият ва Яқин Шарқ минтақасида тобора кучайиб бораётган ҳарбий ихтилофларнинг олдини олиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Делегация аъзоларининг таъкидлашларича, Европарламент вакилларининг бу ерга ташриф буюришдан кўзлаган асосий мақсадлари фаластинликларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига қарши чора кўриш ҳамда мустақил Фаластин давлати ташкил этилишига яқиндан кўмаклашишдан иборатдир. Шу билан бирга улар Исроил давлати томонидан амалга оширилаётган тазйиқларнинг бекор қилиниши, Фаластин территориясини Исроил давлатидан ажратиб туриш мақсадида тикланаётган деворнинг олиб ташланиши лозимлигини айтиб ўтишган. “Йўл харитаси” дея ном олган тинчлик дастури қоидаларига икки томоннинг ҳам бирдек бўйсуниши ҳамда БМТнинг тинчликпарвар кучлари Яқин Шарққа жойлаштирилишигина минтақада осойишталик ўрнатилишига гаров бўла олади.

Кеча эса улар Фаластин парламенти аъзоси Марвана Баргути устидан олиб борилаётган суд мажлисида ҳам иштирок этишди. Европа иттифоқи парламенти вакилларининг фикрига қараганда, мазкур суд жараёни Исроилнинг яна бир ноқонуний ҳаракати бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормаларига зиддир.

## ИТАЛИЯДА “ҚОРОНҒИ ТУНЛАР”

***Ўтган куни Италия давлати мамлакат электр тармоқларида рўй берган нохушлик оқибатида электр энергиясиз қолди.***



ИТАР-ТАССнинг маълум қилишича, фожиа сабаблари ҳозирча номаълум бўлиб турибди. Бироқ, уни бартараф этиш Сильвио Берлускони ҳукумати учун у қадар катта қийинчилик туғдирмаган. Чунки кеча маҳаллий вақт билан соат 9.00 ларда мамлакатнинг бутун шимолий қисми электр энергияси билан тўла таъминланди. Бироқ, пойтахт Римнинг ярим аҳолиси ҳамон қоронғида ўтирибди. Ҳукумат вакиллари фожиадан жабр кўрганлар учун махсус “тез ёрдам” хизматини ташкил қилган. Шунингдек, Неаполь ҳамда Латино ва Анцио туманларига ичимлик сувини етказиб бериш йўлга қўйилди.

## ФЛОРЕНСИЯДА ТЕРАКТ УЮШТИРИЛДИ

***Колумбиянинг Флоренсия шаҳрида амалга оширилган кучли портлаш оқибатида 45 киши жароҳатланиб, 10 киши ҳалок бўлди, дея хабар қилади ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.***



Теракт шаҳарнинг гавжум кварталларидан бирида содир этилган бўлиб, мотоцикл кажавасига жойлаштирилган портловчи модда масофадан туриб бошқарилувчи қурилма орқали ҳаракатга келтирилган. Полициянинг маълум қилишича, мазкур фожиада экстремистик кучларнинг қўли бор. Бироқ, ҳали ҳеч қайси ташкилот ушбу терактни зиммасига олмаган.

## “КОППУ” ЯПОНИЯНИ ИЗДАН ЧИҚАРАЯПТИ

***Япониянинг шимолий ҳудудлари рўй бераётган кучли тўфон туфайли анча жиддий зарарланди.***



“Коппу” дея шартли ном олган бу офатнинг “хурмача қилиқлари” оқибатида мамлакат иқтисодиёти издан чиқиши мумкин экан. У шу ойнинг ичида юзага келган ўн олтинчи табиий офатдир. Айни дамда тўфон Огасавара ороллари томон яқинлашиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, унинг тезлиги эпицентрда соатига 108 км гача етади.

## ЧЕХИЯ “F-16” СОТИБ ОЛМОҚЧИ

***Расмий Прага ўз ҳарбий ҳаво кучларининг салоҳиятини ошириш мақсадида 14 та “F-16” русумидаги қирувчи самолётларни сотиб олиш истаги борлигини маълум қилган.***



Мамлакат мудофаа вазирлигидан хабар қилишларича, эскирган Миг-21 русумидаги ҳарбий ҳаво лайнерларини замонавий ва тезкор самолётлар билан алмаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис, улар Германия, Бельгия, Канада, АҚШ, Франция, Голландия, Швеция ва Туркия каби НАТОга аъзо мамлакатлар билан иқтисодий шартнома тузиш ниятидалар. Олди-сотди ишларини эса 2005 йилдан бошлаш кўзда тутилган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2001 йил 22 ноябрда Маҳмудов Содиқжон Собиржоновичга берилган № 271768 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 1984 йили Рахимджанов Нозимджан Насруллаевичга берилган № 301432 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент маданият техникуми томонидан 1995 йили Ғозиева Дилдора Шерматовнага берилган № 013790 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 30 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 654,71 | 1 Польша злотийси | 246,68 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1615,28 | 1СДР | 1381,14 |
| 1 Дания кронаси | 150,31 | 1000 Туркия лираси | 0,71 |
| 1 БАА дирхами | 265,47 | 1 Швейцария франки | 723,99 |
| 1 АҚШ доллари | 975,00 | 1 ЕВРО | 1115,79 |
| 1 Миср фунти | 158,41 | 10 Жанубий Корея вони | 8,48 |
| 1 Исландия кронаси | 12,61 | 10 Япония иенаси | 86,88 |
| 1 Канада доллари | 718,71 | 1 Россия рубли | 31,97 |
| 1 Хитой юани | 117,79 | 1 Украина гривнаси | 182,87 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,61 | | |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# МУВАШШАҲ

ЭССЕ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Дастлаб, ошна-оғайниларининикида ётиб юрди, кейин ижарада турди, лекин ҳамманинг суюкли шоири бўлганига қарамай, уйсиз, ночор аҳволда эди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Тошкентда уй-жой масаласи жуда танқис эди. Айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин жуда танг аҳвол вужудга келди. Тўғри, зилзиладан кейин Тошкентда уй-жой қурилиши жуда авж олиб кетди. Лекин шунга қарамай маҳаллий аҳоли вакилларининг уй-жойга эришмоғи жуда қийин кечарди. Бунинг учун йиллаб кутмоқ керак эди. Бу масалада Абдуллажонга ёрдам бериши мумкин бўлган бирдан-бир ташкилот Ёзувчилар уюшмаси эди, лекин ҳадеганда бу масалада унинг сўзи ўтавермади. Хуллас, биринчи қадамлариданоқ шеърият дунёсига баркамол шоир сифатида кириб келган Абдуллажон тишини тишига қўйиб, ўз юртида мусофирлик дардини чекиб юришга мажбур эди. Кунлардан бирида мўъжиза рўй берди. Ўша куни у қадимги Туркистон шаҳарида тасаввуф шеъриятининг буюк намояндаси Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилган ва унинг руҳига таваллo қилиб, бошқа тилаклар қаторида бирор бошпана бўларлик маскан ҳам сўраган эди. Кечаси Абдуллажон туш кўради. Тушига оқ кийимли, оқ саллали, соқоли кўксига тушган пир киради. Абдуллажон бу муборак зотнинг қўлини олади. У эса эрталаб вақтли туриб Тошкентга жўнаши кераклигини, у ерда унинг турар жойи масаласи ҳал қилинишини айтади. Ғойибдан келган бу хушхабардан эсанкираган Абдуллажон эрта тонгданоқ қанот боғлаб Тошкентга йўл олади. Бу ерга етиб келса, чиндан ҳам уюшмадагилар уни икки-уч кундан бери қидирмаган жойлари қолмаган экан. Бугун охирги кун экан, бугун ордерни олмаса, куяр экан. Бу уй Чилонзордаги – аввалдан уюшмага қарашли 1-мавзедаги каттакон уйда жойлашган икки хонали квартира эди. Унинг иккала хонасида бир вақтлар уюшмада ишлаган иккита кампир истиқомат қиларди. Шу хоналардан бири бўшаган экан. Абдулланинг суюнчи ичига сиғмасди. Шу куннинг ўзидаёқ у квартирага жойлашди. Мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, унинг уйининг бизникига яқинлигини айтмайсизми? Биз қўшни эдик, уйимизни нари борса ярим чақирим масофа ажратиб турарди. Тез-тез учрашиб, бирга хиёбонларда сайр қилиб, суҳбатлашиб турардик. Ҳатто баъзан боғчага бирга бориб, ундан кичик ўғлимни олиб ҳам келардик. Бир-икки йилдан кейин иккинчи хона ҳам бўшади ва Абдуллажон югуриб-елиб юриб бу хонани ҳам олишга муваффақ бўлди. Шундан кейин кичикроқ тўй қилиб уйланди. Қаршидан Ханифахонни олиб келди. Шу тарзда ҳар қандай шоир учун ҳам китоб чиқаришдан кўра кам аҳамиятга эга бўлмаган уй-жой масаласи ҳал бўлди.

### ШОИРЛИК ИСТЕЪДОДИНИНГ БИР ЖИҲАТИ

Шоирлик истеъдоди кўп қирраларга эга. Мен бу ерда истеъдоднинг анатомиясини текширишни мақсад қилиб олганим йўқ. Абдуллажон истеъдодининг таркибий жиҳатларидан бири – унинг хотираси билан боғлиқ эди. Бошқача айтганда, унинг қувваи ҳофизаси ҳам худди истеъдоди каби фавқулодда характерга эга эди. Шахматчилар ўртасида бир ҳазил гап айланиб юради. Бирор шахматчидан "сиз неча юришни олдиндан кўра оласиз?" деб сўрашади, шахматчи эса ҳазилга ҳазил билан: "Ҳозирги ўйнаётган ўйинимнинг охиригача кўриб, кейинги ўйнайдиган ўйиннинг ҳам яримигача кўраман" деб жавоб беради. Шунга ўхшаб Абдуллажондан "Ёзган шеърларингиздан қанчасини ёд биласиз?" деб сўралса, у мутлақо жиддий оҳангда "Ёзганларимнинг ҳаммасидан ташқари, энди ёзадиган шеърларимнинг ҳам яримини биламан" деб жавоб беради. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Мен шу пайтга қадар унинг юзлаб кечаларида иштирок этганман ва бирор марта ҳам бирор шеърини қоғозга қараб ўқиб берганини кўрган эмасман. Абдулла минбардан ёд ўқишни жорий қилди десак муболаға бўлмайди. Бугун минбарга чиқиб, ёнини титкилаб, "шпаргалка"сини олиб, ўшанга қараб шеър ўқиб берадиганлар анча эриш кўринадиган бўлиб қолган. Бироқ Абдулла фақат ўзинингггина эмас, барча атоқли ўзбек шоирларининг, кўпгина классикларимизнинг шеърларини ёд билади. Билмадим – унинг ёд билганлари неча минг мисрани ташкил қилар экан. Албатта, моҳирлик билан ёддан ўқилган шеър китобхонга, мухлисга чуқурроқ етиб боради. Умуман, Абдуллажоннинг бу қобилияти унинг шуҳратининг кенг тарқалишига ҳам сабаб бўлди.

1968 йилда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг ўн йиллиги нишонланди. Ҳар хил мамлакатлардан кўпгина адабий делегациялар меҳмон бўлиб келди. Мени Озарбайжон делегациясига бириктириб қўйишди. Улар Мирза Иброҳимов, Бахтиёр Ваҳобзода, Балаш Озор ўғли, Марварид Дилбазилардан иборат эди. Мен уч-тўрт кун эртадан кечгача улар билан бирга бўлиб, ҳар томонлама кўнгилларини олишга ҳаракат қилдим. Ниҳоят, симпозиумнинг охирги куни меҳмонларни уйга чақирадиган бўлдим. Дастурхоннинг кам-кўстига қарашмоқ учун ўзим уйда бўлишим керак эди. Абдуллажондан уларга ҳамроҳлик қилишни илтимос қилдим. Абдуллажон рози бўлиб, меҳмонлар билан театр залида қолди. Кейин орадан уч соатлар вақт ўтгач, у меҳмонларни бошлаб уйга кириб келди. Буни қарангки, шу қисқа мулоқот давомидаёқ у меҳмонлар билан эски қадрдонлардек опоқ-чапоқ бўлиб олибди, уларнинг ҳаммасини ўзига маҳлиё қилиб олибди. Улар ҳар хил мавзуларда гаплашиб ўтиришибди. Гап айланиб шеъриятга кўчибди. Шеърият деганда, албатта, ҳар бир озарбайжон, биринчи навбатда Фузулийни тушунади. Улар Фузулийдан ўқиб, ўзларининг зукколикларини кўрсатиб, ёш шоирга бир сабоқ бериб қўймоқчи бўлишибди. Абдулла эса улар билан баравварига озор тилида Фузулий ғазалларидан ёд ўқий бошлабди. Кўп ва хўп ўқибди. Озарбайжон шоирлари унга тан беришибди. Уйимизга келган Мирза оға ҳам, Бахтиёр Ваҳобзода ҳам оғизларидан бол томиб Абдуллани менга таърифлашди, Абдулла улар учун бу галги сафарларидаги энг катта кашфиёт бўлганини айтишди.

**(Давоми келгуси сонларда).**

**Озод ШАРОФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# ПОЛВОНТЕПАНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

**(Боши 1-бетда)**

Умумий майдони 3,10 гектарни ташкил этган, 170 миллион сўмлик сарф харажат қилинган, бетакрор лойиҳадаги комплексни барпо қилиш учун ниҳояти 40 миллион сўм сарфланди.

-Қолган барча юмушлар умумхалқ ҳашари асосида амалга оширилди, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Илҳомжон Муҳаммадиев. - Ўйингоҳ қурилиши бош лойиҳа асосида тўлиқ якунланган эмас. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, югуриш ва велопойга йўлаклари тайёр. Деҳқончилигимиз бу йил ҳам яхши, 16-17 миллион сўм соф фойда кутаяпмиз. Насиб этса сузиш бассейни, ёпиқ спорт зали қурилишини ҳам бошлаймиз. Бу юмушлар бизнинг зиммамизда. Полвонтепанинг номини мамлакатга, Ўзбекистонимизнинг шуҳратини оламга таратиш эса ёшларимиз зиммасида.

Раиснинг сўзини давом эттираркан Ҳаким оқсоқол маҳалласининг педагоги, кекса ўқитувчи Неъмат ака Ҳамроев бу қишлоқнинг номи беҳудага Полвонтепа эмаслигини ҳикоя қилиб бердилар. Қишлоқдан доврукли полвонлар, довкур чавандозлар чиққанлигини мисоллар билан далилладилар. Эндиликда Саройқўрғон фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалар спорт мусобақалари шу ерда ўтказилишидан мамнунлигини ҳам яширмади. Неъмат ака яна бир оқил фикрни билдирдилар: "Очиқ гап, қишлоқларимизда қизлар мактабни битиргач, спорт билан шуғулланмай қўядилар. Аслида эса улар спорт саломатлик гарови эканини яхши билишади. Гап уларнинг меҳнатини енгиллатиб, спорт билан шуғулланишида эмас, ундан узоқлашиш уят эканини тушунтира олишимизда. Ўйингоҳга хотин-қизларимизни кўпроқ жалб этамиз".

Бизни раиснинг ўйингоҳни тўлиқ 35-умумтаълим мактаби ихтиёрига бериш, барча спорт дарслари, тўгараклари шу ерда ўтказилишини таъминлаш тўғрисидаги фикри ҳам қувонтирди. 1500 ёш ўсмирлар сабоқ олаётган мактаб жамоасининг севинчини айтмайсизми.

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", "Бирлашган ўзар" деган нақллар қанчалар ҳикматли. Хўжаликда 12 қишлоқ бор, 8 минг аҳоли истиқомат қилади. Яхши ишлашаётган эканларки, яхши яшашмоқда. Қишлоқлар обод. Хонадонлар тўлиқ газлашган, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Маиший хизмат мажмуалари аҳоли хизматида. Биргина Самарқанд – Бухоро автомобил йўли бўйлаб 40 дан ортиқ хусусий ошхона ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти ширкатчилар оилаларига тегишли, баъзилари хўжаликка тагжон ҳам тўлайди. Улар бирлашишни билишарканларки, йирик-йирик режалар амалга ошмоқда.

Хўжаликда ҳали кўп яхши ишлар, ободончиликлар бўлишига шубҳа йўқ. Негаки, барча қишлоқлар аҳли бир жон-у бир тан, мустақиллик берган имкониятларни қадрлашни билишади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# УЧ АСРГА ГУВОҲ ОНАХОН

ИБРАТ

***Ҳар сафар ишдан қайтаётганда қўлида ҳасса тутганча дарвозаси олдидаги ўриндиқда ўтириб, ҳордиқ чиқараётган онахонга рўбарў келаман. Қуюқ салом-алик билан дуосини олиб ўтаман. Маҳалладошларнинг "Меҳринисо момо ҳаммамизнинг онахонимиз", дея эъзозлашлари бежиз эмас.***

Момо айни вақтда юз ёшни ортда қолдириб, невара-чевaралари даврасида ҳақиқий карилик гаштини сурмоқда. "Умримдан, айниқса, шу юртнинг мустақиллигини кўрганимдан беадад розиман. Биз кўрган қора кунларни ҳозиргилар кўрмасин илоё", дейди мамнуният билан.

Ёшлигида кўҳликкина, шаддодгина бўлган онахон бутун ҳаётини оғир меҳнат билан ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, маҳаллалар эркаксиз қолган даврларда дала ишлари, рўзғор, фарзандлар ташвишлари Меҳринисо момо каби хотин-қизлар зиммасига тушди. Ана шундай мураккаб пайтларда ўзбек аёллари матонати, кучли иродасини намойиш эта олишди. Уларнинг қаршисида ҳозир минг бора таъзим қилсанг ҳам оз.

-Топган бир бурда нонимизни фронтга жўнатардик, - дейди онахон. – Инсоннинг бардоши, иродаси метин экан. Ҳаммасига чидадик. Оллоҳга шукр. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Ҳа, бугунги кунда Андижон туманидаги "Миробод" маҳалласига файз киритиб яшаётган 1896 йили таваллуд топиб, уч асрни кўрган 107 ёшли Меҳринисо момо Рўзиқуловага фақат ва фақат ҳавас қилса арзийди.

**М.ОХУНОВА**

# СПОРТ ОЛАМИДА

### "СЎҒДИЁНА" – ОЛИЙ ЛИГАГА ЧИҚДИ

***Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси ўтган йилги мавсумни ўз имкониятлари даражасидан анча паст ўтказиб, олий лига билан хайрлашганидан кўпчилик ишқибозларнинг хабари бор, албатта.***

Жорий йилги мавсумда биринчи лигада тўп сураётган жиззахликлар ўз мухлислари кўнглини шод этиб, турнирда муваффақиятли иштирок этишди ва яна кучлилар сафига қайтишди. Жамоанинг бу ютуқларида Ботир Мирзаев, Сувон Муртазоев ҳамда Жаҳонгир Зуҳуровлардан иборат мураббийларнинг хизматлари катта. Ҳали чемпионат якунланмаган бўлсада, шу кунгача 23 маротаба ғалабага эришган, сўнгги турда "Навбаҳор-2" жамоасини 6:0 ҳисобида доғда қолдирган "Сўғдиёна" жамоаси олий лигага бериладиган йўлланмани нақд қилиб қўйди.

### "ТРАКТОР" ЯНА ЕНГИЛДИ

***Олий лига жамоалари орасида рақиблари учун "ноқулай" ҳисобланган "Трактор"нинг бу йилги мавсумда чиндан-да омади келмаяпти.***

Кетма-кет мағлубиятлари сабабли турнир жадвалининг 14-поғонасига тушиб қолган "Трактор"га ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Аммо, 25-турда "Трактор"чиларга ўз майдонларида "Пахтакор" билан ўйнаш осон кечмади. Очиғи, кўпчилик мутахассислару ишқибозлар ушбу учрашувда "Пахтакор" биринчи марта мағлубият аламини татиб кўради. Чунки "Трактор" ҳам анойи эмас, дея ўйлашганди. Аммо, ўз олдига мавсумни мағлубиятсиз якунлаб, чемпион бўлишни мақсад қилиб қўйган пахтакорчилар аниқ, тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этишиб, майдон эгаларига ҳеч қандай имкон қолдиришмади. Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси футболчиси Темур Копадзе томонидан йўлланган гол ўйин охиригача ягона бўлиб қолди. Хуллас, кутилган уч очкодан маҳрум бўлган "Трактор" олий лигада қоладими ёки... буни кейинги учрашувлар натижаси кўрсатади.

Ушбу турнинг қолган учрашувлари эса қуйидагича якунланди: "Насаф" - "Машъал" 3:1, "Бухоро" - "Металлург" 4:0, "Андижон" - "Қизилқум" 3:2, "Қўқон-1912" - "Гулистон" 2:0, "Нефтчи" - "Цементчи" 3:2, "Навбаҳор" - "Дўстлик" 5:1, "Самарқанд-Динамо" - "Сурхон" 3:0.

Навбатдаги 26-тур баҳслари 4 октябрда ўтказилади.

### ИНИЛЕЕВ ШОГИРДЛАРИ ФИНАЛДА

***Осиё чемпионати саралаш баҳсларига жиддий ҳозирлик кўраётган иқтидорли мураббий Рауф Инилеев етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига Ҳиндистоннинг Жамшидпур шаҳрида ўтказилган ТАТА кубоги учрашувлари омад келтирди.***

Ушбу турнирда мағлубият нималигини билмай, сўнгги учрашувда Ҳиндистон-2 жамоасини ҳам 2:0 ҳисобида мағлуб этган ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталари финалда эронлик тенгдошларига қарши ғолиблик учун тўп суриш имкониятини қўлга киритишди.

### ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

***Маълумки, келгуси йилнинг ёзида Грециянинг Афина шаҳрида Олимпиада мусобақалари бўлиб ўтади.***

Айни кунларда спортнинг бир нечта турлари бўйича "Афина-2004" Олимпиадасига йўлланма берувчи мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Шу кунгача Ўзбекистон спортчиларидан 14 нафарига ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқи берилди. Сўнгги йўлланмаларни эса эркин курашда Артур Таймазов, Дилшод Маъмуров, дзюдода Эгамназар Акбаровлар қўлга киритишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йил якунлангунга қадар мамлакатимиз спортчиларининг 40 нафари Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритади.

### ЖЎРАЕВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

***Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида республика армреслинг федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилиш қатнашчилари армреслинг спорт тури бўйича ўтказилган турнирларда қўлга киритилган ютуқлар, белгиланган вазифалар ва мавжуд муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ўн икки йилдан бери фаолият юритиб, 1996 йилдан халқаро армреслинг федерациясига аъзо қилинган Ўзбекистон армлеслинг федерацияси ишини янада яхшилаш мақсадида ҳисобот-сайлов йиғилиши қатнашчиларининг таклифларига кўра Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевга юксак ишонч билдирилди. Эндиликда у Ўзбекистон армреслинг федерациясига президентлик қилади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# БИРИНЧИ МУАЛЛИМИМ

***Биринчи ўқитувчимни яхши эслайман. Юзи буғдойранг, ўрта бўйли, хушбичим кийинадиган, латофатли аёл эди у. Нуроний чеҳрасида кишини ўзига оҳанграбо янглиғ тортгувчи маъсумлик, мулойимлик барқ уриб турарди. У ҳар гал синфхонага кириб келаркан: "Салом, лочинларим", дер, бизни жойимиздан туриб саломлашишимизга йўл қўймасди. Бир зумда хонага ажиб бир файз, гўдак қалбимизни аллалайдиган сокинлик инарди. Яйраб кетардик.***

...Эрта тонгда китоб-дафтаримни олиб мактабга югурдим. Она ҳақидаги шеърни ёдлаганман. Уни ўқитувчимга ўқиб беришим керак. Юрагим гуп-гуп уради. Гўё, ёдлаган шеъримни айтиб бера олмайдигандай ҳаяжонланаман. Кўз олдимда ўқитувчимнинг маъсум, нуроний чеҳраси гавдаланади. "Ёдингдан чиқдими, болажон, яна бир такрорла-чи, балки эсингга тушиб қолар" деяётгандай туюлади. Синфхонада ҳеч ким йўқ. Биринчи бўлиб ўзим келибман. Секин-аста хона тўла бошлади. Бироз ўтиб, анча кўпайишиб қолдик. Қайсидир ўртоғим китобни қўлига олиб, пичирлаб, шеър ёдлайди, яна кимдир берилган топшириқ ёдидан кўтарилганидан афсус чекади. Мен эса ёдлаган шеъримни бот-бот такрорлайман. Ҳар бир сатрни, ҳар бир мисрани дона-дона айтишга тиришаман.

Мана, қўнғироқ жиринглади. Бироз ўтиб, ўқитувчимиз кириб келади. Яна: "Салом, лочинларим", дейди. Ҳаммамизни фақат оналаргина айта оладиган сўзлар билан алқайди. Яна яйраб кетамиз. Сониялар... дақиқалар ўтиб борарди. Ўқитувчимиздан эса дарак йўқ. Соғинч дилни ўртади. Ана шундагина гўдак кўнглимда – ўқитувчимга нисбатан нечоғлиқ меҳр, бир фарзанд сифатида уни қўмсаш эгаллаб олганини сездим.

-Бугун ўқитувчинглар касал бўлиб қолган, дарсга кела олмайди, унинг ўрнига мен сизларга дарс ўтаман...

Хаёлимни йиғиб, ўзимни ўнглаб олдим. Синфхона ўртасида ёши қирқларга бориб қолган, қарашлари зийрак, кўринишидан анча қатъиятли киши турарди. У ўзини Самад муаллим деб таништирди. Очиғи, уни ёмон кўриб кетдим. Нима учун энди бизнинг ўқитувчимиз касал бўлиши керак? Ахир, мен унга шеър айтиб бераман деган эдим-ку.

Ўқитувчимни сўз билан ифодалаб бўлмас даражада соғиниб кута бошладим. Қани, тезроқ тузалиб чиқсаю хонага кириб келса, "сизларни ҳам соғиниб қолдим, лочинларим" деса.

Ўша кун келди. Мактаб дарвозаси олдида бир-бир қадам босиб келаётган ўқитувчимизни кўрдим. Ҳаммадан олдин унинг қучоғига отилдим. Ундан фақат оналардагина бўладиган ҳид келарди. "Соғиндингми, болажон", деди у хаста овозда. "Ҳа, мен сизни ҳамма-ҳаммадан ҳам кўпроқ соғиндим..." Ортиқ гапира олмасдим...

Бошимга унинг бир томчи иссиқ кўз ёши тўкилди...

Кўп ўтмай у биз билан бир умрга хайрлашди. Ҳозир синфдошлар билан ўзаро суҳбатларда илк ўқитувчимизни бот-бот эслаб турамиз. Мен эса уни алоҳида бир меҳр ва ҳаяжон билан қўмсайман. Худди ўшандагидек...

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## 1 октябр – ўқитувчи ва мураббийлар куни



**Олтинкўл туманидаги "Андижон" ширкати раиси Қаҳрамонжон Сатторов ташаббуси билан хўжалик томонидан 26-ўрта мактабни таъмирлаш учун 5 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Шунинг ҳисобидан мактабнинг барча синф хоналари, спорт заллари, йўлаклар тўла таъмирдан чиқарилди.**

**-Шунингдек, хўжалик заҳирасидаги буғдойдан ўқитувчиларга ҳам тарқатилди, - дейди мактаб директори Нўъмонжон Абдуллаев. – Биз бундай эътибордан беҳад хурсанд бўлиб, ўқув-тарбиявий ишларни янада жонлантираяпмиз.**

**Мактабда 620 нафар ўқувчи таълим олади. 51 нафардан иборат жамоа янги ўқув-методик қўлланмалар асосида изланиб, меҳнат қилмоқда. Ўқувчилар фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келишаётир.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Физика ўқитувчиси Қ.Мўминов машғулот ўтмоқда. 2. Мактабнинг умумий кўриниши. 3. Ширкат хўжалиги раиси Қ.Сатторов ўқувчилар даврасида.**

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.





# ФИДОЙИЛИК

***Ҳар соҳанинг ўз жонкуяри, фидойиси, заҳматкаши бўлади. Республикамизда қалби ва борлиғи билан ўзини фан йўлига бағишлаган, ўзи танлаган соҳани қисмат деб билган фидойилар кўп.***

Улар қай соҳада, қай касбкорда ишламасин, эзгу ишлари орқали халққа фойдаси тегиши, кимнингдир оғирини енгил қилиш истагида яшайди.

Таниқли олим, академик Жўрақул Сатторов ана шундай тиниб-тинчимас илм фидойиларидан бири. Аввало шуни айтиш керакки, Ж.Сатторов – серқирра ва кенгқамровли тадқиқотчи. Олим ўзининг илк изланишлари асосида сульфатли шўрланишга учраган тупроқларни куз-қиш ойларида ювиш, шўрланишнинг олдини олишда энг самарали усул эканлигини аниқлади ҳамда амалиётга татбиқ этди. Шунинг баробарида турли тип ва даражада шўрланган тупроқларга ўғит қўллашнинг илмий жиҳати юзага келди.

Жўрақул Сатторов томонидан ғўзанинг озиқланиши ва пахтачиликда ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган кенг миқёсдаги изланишлар ҳамда ғўзанинг минерал озиқланишидаги генотипик хусусиятлардан, ўғитлар самарадорлигини оширишда фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар агрокимёда амалга оширилган мумтоз тадқиқотлар жумласига киради. Бу ишларнинг самараси ўларoқ, Ж.Сатторов агрокимё фанида янги йўналиш – ғўзанинг нав агрокимёсига асос солди. Ўсимликларнинг минерал озиқланиши ва уларда кечадиган айрим физиологик-биокимёвий жараёнлар ўртасида узвий боғлиқлик борлиги исботини топди.

Академик олимнинг фан йўлидаги хизматлари унинг кўпгина илмий-услубий ва ўқув адабиётлари муаллифи эканлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Жумладан, унинг "Ғўза нави ва ўғит", "Ўзбекистон пахтачилигида тупроқ-ўғит муаммолари", "Агрокимё ва тупроқшунослик атамаларининг ўзбекча-инглизча луғати" сингари қўлланмалари агрокимё ва тупроқшунослик бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Жўрақул аканинг чорак аср Ўзбекистон Миллий Университетида кафедра мудирлиги лавозимида фаолият юритиши, юзлаб агрокимё ва тупроқшунос олимларнинг шаклланишида мактаб вазифасини ўтади. Ишбилармон раҳбар, моҳир педагог Ж.Сатторовнинг 9 нафар шогирди фан номзоди, 5 нафари эса фан доктори илмий даражаларига эга.

Бугунги кунда ҳам устоз ўзидаги бор билим ва тажрибаларини шогирдлари, сафдошлари билан ўртоқлашиб келмоқда. Энг муҳими, у ҳамиша шогирдлари, ҳамкасблари ардоғида. Шу боис Тошкент Давлат Аграр университети профессор-ўқитувчилари, талабалари домлани 1 октябр - Ўқитувчи ва Мураббийлар куни ҳамда туғилган куни муносабати билан муборакбод этади.

**Б.МУСАЕВ,**
**Х.ЙЎЛДОШЕВ**

"Ўзқишлоқхўжаликкимё" компаниясининг республика агрокимё станцияси жамоаси Тошкент вилояти Агрокимё станциясининг собиқ директори

**Ҳамдамжон АДҲАМОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 3 октябр, жума куни чиқади.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Аҳгатай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди:

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456